

АФСОНАВИЙ ҲУШТАК-ҮЙИНЧОҚЛАР- КУЛОЛЧИЛИК
САНЪАТИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ.

Нарзуллаев Абдулло Ибодуллаевич
Ўзбекистон халқ устаси,
Бухоро вилоят Кенгаши депутати

Аннотация: Уиббу мақолада қадимдан ўзбек анъанавий кулолчилигининг муҳим йўналишлардан ҳисобланган ҳуштак-үйинчоқлар тўғрисида сўз борган. Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон кулолчилик марказларининг турли ҳудуд майдага ҳайкалтарошлиги шаклари, ранглари, нақшларининг ўзига хослиги таҳлил қилинган. Ҳуштак үйинчоқларнинг келиб чиқиши тарихи, эволюцияси ва мазмун-моҳияти очиб берилган. Ҳозирги давр усталарининг фаолияти ва анъаналарнинг давом этаётганлиги тавсифи келтирилган.

Калит сўзлар: кулолчилик, ҳуштак-үйинчоқлар, кулолчилик марказлари, учтулак, Наврӯз, ҳосилдорлик.

Нарзуллаев Абдулло Ибадуллаевич
Народный мастер Узбекистана,
Депутат Бухарского областного совета

Аннотация: в данной статье рассказывается об игрушках-свистульках, которые издавна причисляются к важным направлениям узбекской традиционной керамики. Проанализирована специфика форм, цветов, узоров мелкой пластики различных регионов Центральной Азии, в частности гончарных центров Узбекистана. Раскрывается история, эволюция и содержание происхождения игрушек-свистулек. Приводится описание деятельности мастеров текущей эпохи и продолжения традиций.

Ключевые слова: гончарное дело, игрушки-свистульки, гончарные центры, учтулак, Навруз, плодородие.

Narzullaev Abdullo Ibadullaevich
People's master of Uzbekistan,
Deputy of the Bukhara Regional Council

Annotation: This article talks about whistle-toys, which have long been counted from important directions of Uzbek traditional pottery. The specificity of the forms, colors, patterns of small sculpture of different regions of Central Asia, in particular the pottery centers of Uzbekistan, has been analyzed. The history, evolution and content of the origin of whistle toys are revealed. There is a description of the activities of the Masters of the current era and the continuation of traditions.

Keywords: pottery, whistle-toys, pottery centers, uchpulak, Navruz, productivity.

Ўрта Осиёning ҳуштак-ўйинчоқлари кулолчилик идишларидек анъанавийдир. Ўйинчоқларнинг ривожи оддийликдан мураккабликка қараб бориши натижасида хаёлий образларнинг пайдо бўлиши кишини ҳайратга солади. Ўйинчоқлар жуда чукур ва тарихий илдизга эга. Улар халқнинг руҳияти ва ҳаётидан дарак берувчи манба ҳисобланади. Худди кулолчиликка ўхшаб миллий ўйинчоқ марказлари билан услуги билан бир- биридан фарқ қиласди. Бундай ўйинчоқлар зардуштийлар замонидан бизгача етиб келгани тарихий манбаларда эътироф этиласди. Улар асосан баҳорги тенгкунлик , 21 март-Наврӯзда ота-оналар томонидан болаларга совға сифатида харид қилинган. Маълумотларга қараганда болалар ҳуштакларни чалиб, ёмон кунлар эски йилда қолиб, янги йил, тинчлик- тотувлик, хайр- барака , мўл-кўлчилик ва яхшилик билан кириб келишини ният қилган. Йилнинг маълум мавсумида яъни деҳқонлар ерларга экин экадиган вақтда ясалган ва ушбу ҳуштаклар байрам кунларида кўп миқдорда тайёрланган. Байрамдан сўнг эса ўйинчоқлар синдириб ташланган ва кўмилган. Албатта лойдан ясалган ҳуштаклар болаларнинг асосий ва яхши кўрган ўйинчоқлари бўлган. Чунки ўтмишдагидек турли хилдаги, ҳар хил материаллардан ясалган ўйинчоқлар мавжуд бўлмаган. Ҳуштакларни яна бир фойдали томони, улар болаларни нафас йўлларини чиниқтиришга, соғлигини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Жамиятда бўлиб ўтадиган ўзгаришлар ҳамма соҳага, шу жумладан ҳунармандчиликка ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди, албатта. Буни лойдан ясаладиган миллий ҳуштак-ўйинчоқлар мисолида кўрадиган бўлсак , ислом бизни ўлкамизга кириб келгандан сўнг, усталаримиз ясаган ҳайкалчаларини бўйинни кесиб қўйганларки, бундан мақсад, шариат қонунларини бузмаслиқ, яъни “тирик эмас” маъносини билдиради. Қиз болалар эса , қўғирчоқларни дастлаб оналари, бувилари, опалари кўмагида тайёрлашган бўлса, кейинроқ эса ўзлари мустақил равишда матолардан тикиб, ясаганлар.

Худди миллий кулолчилик каби Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида миллий ўйинчоқлар-ҳуштаклар ясашга ихтисослашган қатор марказлар мавжуд бўлган. Бу марказларда ҳуштак-ўйинчоқлар кекса кулолларимиз ҳамда хотин-қизлар томонидан ясалган. Чунки кекса кулоллар учун кулолчилик чархида ўтириб ишлаш бироз қийинчилик туғдирган. Аёлларга эса кулолчилик чархида ишлаш шариат тартиб-коидаларига биноан, маъқул деб топилмаган. Чунки аёл киши нозик хилқат ҳисобланиб, жисмоний куч талаб қилинадиган юмушлар фақат эркак киши зиммасида бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, қарийб барча кулолчилик марказларида миллий ўйинчоқлар-ҳуштаклар ясалиши билан бирга, юртимизда фақат ҳуштак-ўйинчоқлар ясашга ихтисослашган марказлар ҳам мавжуд бўлган.

1960-йилларда ҳуштак-ўйинчоқлар ясаш ривожланишини уларнинг шаҳар бозорларида сотилганлигини сезишимиз мумкин. Шаҳар бозорларида оддий от, қўй ёки итга ўхшаш шаклларни учратиш мумкин бўлган.

XX аср ўйинчоқларида эса мураккаброқ фантастик образларни кузатиш мумкин. Улар жиддий канонлаштирилган. Ўба қишлоғида хуштак-ўйинчоқлар кўплаб усталар томонидан ясалган. Буни сезиш қийин, аммо уларни фил, қўчқор, от ёки итлигини аниқ айтиш мумкин.

Кейинчалик ўйинчоқлар турли хил ҳайвонлардан элемент ишлатган ҳолда, яъни бир неча ҳайвонларнинг йифиндисидан ҳосил бўлган хуштак-ўйинчоқлар ясала бошланган. Шу деталлардан қайси ҳайвонларга ўхшашлигини аниқлай оламиз. Масалан, бўйнида қўнгироқчаси бўлса бу-туя.

Ҳайвонларга ўхшаш ўйинчоқлар билан бир қаторда, Ўрта Осиёда бошқа эртак қахрамонлари, яъни «сув руҳлари» бўлмиш аждархолар ясалган.

Хозирда кўплаб юмшоқ ўйинчоқлар ишлаб чиқарилаётган бўлсада, хуштак-ўйинчоқлар ўз қийматини йўқотмаган. Улар инсонга эстетик завқ бағишивчи совғабоп сувенирлардир. Болаларнинг эътиборини хуштак-ўйинчоқларнинг ранглар жилоси ва фантастик шаклга эга эканлиги тортади. Фантастик образлар болалар психологияси ва дунёқарашига, уларнинг хаёлий дунёсига ўзининг катта таъсирини ўтказади. Бу хуштак-ўйинчоқлар нафақат болаларнинг, балки катталарнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этади. Бунинг яққол кўринишини уй сервантлари ва токчаларидан жой олган хуштак-ўйинчоқлар мисолида келтиришимиз мумкин.

Вақт ўтиши билан хуштак-ўйинчоқлар катта ҳажмларда ҳам ясала бошланган. Баландлиги 12-36 смни ташкил этган бу майда ҳайкалтарошлиқ кўринишиларининг ўзига хос маънолари ҳам мавжуд бўлган. Масалан 4та оёқдаги 2 бошли фантастик ўйинчоқнинг бўйинларида кичкина каллачалар, яъни уларнинг болалари ясалган. Бунинг маъноси қўйидагича: бундай ўйинчоқлар эндиғина оила қурган ёшларга совға қилинган. Бу ёш оила вакилларининг иноқ яшаши ва кўп фарзанд кўришларига ишора экан. Тўрт бошли аждархолар эса ҳосилдорликни яхшилаш учун шамол ва ёмғирни чақирав экан. Бундай катта ўйинчоқларда хуштак ясалмаган. Буни ўйинчоқларнинг функционал эволюцияси деб айтса тўғри бўлади.

Хуштак-ўйинчоқлар дастлаб терракота, яъни сирсиз ишлаб чиқарилган бўлса, кейинчалик усталар ўйинчоқнинг сиртига сир ишлатишни яъни, глазурлашни ўйлаб топишган. Бу эса ўз-ўзидан янги услубнинг вужудга келишини таъминлайди. Бундай услубни Ўрта Осиёнинг Ўра Тепа, Коратоғ, Самарқанд, Гиждувон мактабларида кузатиш мумкин.

Хуштак-ўйинчоқлар (учпулак) ясаш мактабининг йирик асосчиларидан бири Ҳамробиби Раҳимовадир (1896-1979). У ўзбек халқи уста-кулоллари ичida энг танилган аёл-кулол ҳисобланади. Хаёлий хуштак-ўйинчоқлари тuya, хўтиқ, қўй, кийик, эчки ва қатор ҳайвонлар тимсолини эслатади. Аммо уларнинг бари айнан ҳайвонларни тасвиrlашдан йироқда. “Учпулак”лар ясашни энг асосий ва муҳим шартини, яъни жонзодларни тасвиrlамаслик қоидасини айнан Ҳамро Раҳимованинг ишларида кўриш мумкин. Ажойиб қизил ва кўк доғлар акс эттириб пиширилган ҳайкалчалар Бухоро воҳасининг ранг-баранглигини ўзида акс эттиради ва кўп асрлик анъаналарини ўзида сақлаб қолади.

Илгари қаерда кулоллар ишласа, устахонада ҳуштак-ўйинчоқларни учратиш мумкин бўлган бўлса, хозирда саноқлигина марказларда майда ҳайкалтарошлиқ билан шуғулланишиди. Улардан Фиждувон, Самарқанд, Вобкент (Ўба), Денов марказларида гина сақланиб қолган.

Фиждувон мактабида Дилноза ва Нодира Нарзуллаевалар, Самарқандда уста Дилором Мухторова оиласи, Вобкентда Ҳамро Раҳимованинг давомчилари ўғиллари уста Жаббор, неваралари уста Саттор ва хозирда эваралари Аброр фоалият кўрсатишмоқда.

Яна бир йўналиш, кулолчиликда қўзаларни афсонавий ҳайвончалар билан безатишни ҳам кўриш мумкин. Бунда ҳам сирланган ва сирланмаган асарлар мавжуд. Бухоро вилояти Вобкент тумани Ўба кулолчилик марказининг вакили уста Фатулло Саъдуллаевнинг ишлари беткор ҳисобланади. Мамлакатимиз ва дунё музейларида сақланаётган бу асарлар ихлосмандларни қизиқтириб келмоқда. Чунки бу кам учрайдиган ўзига хос услуб. Фиждувон кулолчилик мактаби вакили Дилноза Нарзуллаева усто Фатулло Саъдуллаев ишларини чет эллик коллекционерлар илтимосига биноан, бир нечта нусхаларини ишлаган. Дилноза шу мактаб анъаналарини тиклашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, ўзбек анъанавий кулолчилигининг энг жозибали ва нозик йўналиши ҳисобланган ҳуштак-ўйинчоқлар дунёнинг қатор мамлакатлари музейларида ва кўргазмалар да ҳозирги қунга қадар минглаб санъат ихлосмандларини лол қолдириб келмоқда. Бунинг исботини эса, кулолчиликнинг ЮНЕСКО рўйхатининг номоддий маданий меросига киритилганини десак муболага бўлмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Хакимов А. Прикладное искусство Узбекистана: традиции и инновации. – Т.: 2013. – 191 с.
2. Хакимов А.А. Декоративное искусство Средней Азии / К проблеме традиций и новаторства. – Т.: Фан, 1988.
3. Акилова К.Б. Народное декоративно – прикладное искусство Узбекистана. XX век. Алматы: PRINT – S, 2005.
4. O'zbekiston madaniy merosi mualliflik turkumi: O'zbekiston amaliy san'at va hunarmandchilik tarixi davlat muzeyi to'plami kitob-albomi. /F.F.Abduxoliquov, E.V.Rtveladze, I.Yusupov, S.Zoxidova, S.Israilova (Rahmonova). – Т.: “Uzbekistan Today” AA, “Darakchi inform servis” MCHJ buyurtmasiga ko'ra, 2021. – 528 b.